*Мактаб - ўрта - олий таълим-илмий-тадқиқот институтлари шаклидаги илмий-маърифий комплексларни вужудга келтириш йўлидан бориш керак деб ўйлайман. Бунда илмий-техник тараққиётнинг устивор йўналишларига алоҳида эътибор бериш зарур. Ана шундай мустаҳкам алоқалар туфайлигина замонавий юксак технологияларда ишлай оладиган, бозор қонуниятларига мос янгича фикрлай биладиган мутахассисларни тайёрлашимиз мумкин.*

*Ислом КАРИМОВ.*

# МАКТАБ — ЎРТА — ОЛИЙ ТАЪЛИМ — ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ

Ана шундай илмий-маърифий комплекслар касб маҳорати ва маънавий-руҳий жиҳатдан замонавий соҳаларда ишлайдиган ёшларни тайёрлашга қодир

## ҲОЗИРГИ ДАВР ТАЛАБИ

Ҳамза туманида жойлашган 166-мактаб қошидаги иқтисод-математика лицейи бошқа таълим муассасаларидан ўзининг ўқитиш услуби билан кескин фарқ қилади. Бу ерда қўлланилаётган таълимнинг «Мактаб — Олий ўқув юрти — Илмий-тадқиқот институти» комплекс услуби кўпчилик учун ҳали янгилик бўлса-да, лекин унинг туб моҳияти тушунарлидир. Мазкур ўқув муассасасини ҳақли равишда давримиз учун энг зарур бўлган инсонни тарбиялаётган маскан дейишмоқда.

Хўш, ушбу янги комплекснинг моҳияти нима билан изоҳланади? Умуман, замонамиз учун қандай инсон ҳозирда бениҳоя зарур? Бу саволимизга иқтисод-математика лицейи билан кўпдан буён ҳамкорлик қилиб келаётган Т. Қори-Ниёзий номли Узбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот-институтининг психология ва дефектология бўлими мудири, психология фанлари доктори Валентина Токарева шундай жавоб беради:

— Биз олиб бораётган таълимнинг янгича услубини уч босқичдан иборат синовга ўхшатиш мумкин. Уқиш жараёнида ўқувчи ана шу уч тўсиқдан ўта билиши керак.

Бир-бирига боғлиқ равишда олиб бориладиган «Мактаб — Олий ўқув юрти — Илмий-тадқиқот институти» комплекси уч йўналишга эга. Биринчи йўналиш шундан иборатки, мактаб бўлажак абитуриентларни лицей бўлмиш 10-11-синфлардан танлаб олиб, олий ўқув юртига тавсия этади. Кириш имтиҳонларида эса билими кучли абитуриентлар ичидан энг кучлилари танлаб олинади. Олий ўқув юртида ўз навбатида талабалар орасидан маълум бир соҳанинг энг қобилиятлиларини аниқлаб илмий-тадқиқот институтларига тавсия қилади. Бунинг учун мактабда махсус психологик машғулотлар ўтказилмоқда. Унда ҳар бир ўқувчи халқ хўжалигининг қайси соҳасига иқтидори кўпроқ эканлигини аниқлаб олиш билан бирга ижобий хислатлар, хусусан ўзига ишонч, муомала маданияти, одамлар билан ишлаш, раҳбарлик фаолияти кабиларни ҳосил қилади.

Иккинчи йўналишга кўра мактабдаги таълим олий ўқув юртларида қўлланиладиган ўқитишнинг шакл ва услубларига иложи борича яқинлаштирган даражада, яъни коллеквиумлар, маърузалар, синовлар, илмий манбаларга таянган ҳолда олиб борилади. Илмий-тадқиқот институтларида талабаларни амалий тажрибалар ўтказиш, илмий муаммоларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқишга жалб этиш олий ўқув юртининг асосий вазифаларидан биридир. Учинчи йўналиш бўйича мактаб ўқитувчилари дарс давомида олимларнинг илмий ишлари юзасидан тажриба дарсларини олиб боришади. Бир вақтнинг ўзида олимлар ва олий ўқув юрти педагоглари шароитни ўрганиш учун мактабга жалб этиладилар. Тўртинчи йўналишда эса сўз юритилаётган уч муассаса ўртасида ўзаро мулоқотлар ўтказиш, ўқув дастурлари ишлаб чиқиш, қўлланмалар яратиш, тавсиялар киритиш кабилар назарда тутилган.

Уз номига кўра иқтисод-математика лицейида эртанги куннинг юқори малакали иқтисодчилари, банкирлари, тадбиркорлари, менежерлари, биржа ва маркетинг соҳаси мутахассислари тайёрланади. Улар жаҳон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий тараққиётни чуқур англаган ҳолда юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бунинг учун мактабда барча шарт-шароитлар мавжуд. Моддий таъминот масаласида туманда жойлашган Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси кўмаклашмоқда. Лицейда «Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик асослари» дарсини олиб борувчи Владимир Матвеев ўқувчиларга чуқур ва атрофлича билим бериш билан бирга шу курс бўйича махсус ўқув дастурини ҳам ишлаб чиққан. Мазкур дастур Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти тавсиясига кўра нашр этилди. Бундан ташқари ўқитувчилардан Людмила Горлова, Татьяна Порядина кабилар хизматини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Улар Тошкент Давлат университетининг амалий математика факультети ўқитувчилари, математика фанлари номзодлари Шамиль Сибукаев ва Алексей Шульгинлар билан яқин алоқада бўлиб фаолият олиб боришмоқда.

Хўш, янги усулда олиб борилаётган таълим қандай натижалар бермоқда? Мактаб директори Лидия Матвееванинг айтишича, ҳозирга қадар лицей уч марта битирувчилар чиқарган бўлса, уларнинг 80 фоизи асосан Тошкент Давлат иқтисодиёти университети ҳамда Тошкент молия институтининг талабалари бўлишди. Бу ёшларнинг катта қисми иқтисод соҳасини танлашган. Битирувчиларнинг айримлари эса фан бўйича республика олимпиада ва танловларининг ғолиблари сифатида олий ўқув юртига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинди.

Гарчи натижа кўрсаткичлари кишини бир қадар хурсанд қилса-да, муаммолар ҳам йўқ эмас. Валентина Андреевна биз сўз юритаётган комплексни бир дарахтга ўхшатади, унда мактаб дарахт танаси бўлса, олий ўқув юрти унинг шохчаларидир, илмий-тадқиқот институти эса гул ва мевалар. Аммо илдиз қани? Бу ўринда мактабгача тарбия муассасаси назарда тутиляпти. Шахсни шакллантиришда унинг гўдаклик даврини қўлдан бой бермаслик зарур, зеро инсон уч ёшидан дунёни англай бошлайди. Яна бир муаммо шундан иборатки, лицей таълимини олган ёшлар олий ўқув юртига келгач, оддий мактабдан чиққан ёшлар билан бир хонада таҳсил олишмоқда. Бу ҳол уларни дарс пайтида зериктириши, фанга бўлган қизиқиши, иқтидорини сўндириши табиий. Хулоса шуки, янгича усул ўз муваффақиятларини намоён қила бошлаган бўлса-да ҳали мукаммаллик даражасига етмаган. Лекин шундай бўлса ҳам 166-мактабнинг лицей синфларидаги ўқув машғулотлари билан танишган киши бу ерда эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари, юртимиз довруғини дунёга таратадиган, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқадиган ёшлар тарбияланаётганига чин дилдан амин бўлади.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.







*СУРАТЛАРДА: 166-ўрта мактабдаги Иқтисод-математика лицейининг иқтисод ва менежмент фани ўқитувчиси В. Матвеев II-синф ўқувчиси О. Ленский билан; лицейнинг «Ўзбекистон иқтисодиёти» музейида илмий бўлим мудири Л. Ленская битирувчи ўқувчилар Б. Корчабоев ҳамда Д. Қувонбековлар даврасида; ўқитувчи О. Литвинова ахборотлар билан ишлаш хонасида машғулот олиб боряпти.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

---

Бугунги талабалар орасида эртанги олиму уламолар, зукко муҳандислар, фазогирлар, коинот кемасини бунёд қилишда ҳисса қўшадиган фан саркардалари борлигига шубҳам йўқ. Чунки Мовароуннаҳр иқтидорлар юрти бўлиб, етти улуғ олим дунё фанида довруғ солганку. Уларнинг бири Кавказда бўлса, қолган олтитаси, яъни аллома Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ибн Сино, Фаробий, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек қолаверса Ҳабиб Абдуллаевлар олам тоғларнинг бағрида қандай маъданлар мавжудлигини башорат қилиб, одамларни лол қолдирган. Дунёнинг олий илмгоҳларида тиббиёт, кимё, алжабр, коинот фанларининг муаммолари ҳанузгача улар асос солган назариялар бўйича ўрганилмоқда.

## БУ – ИҚТИДОРЛАР ВАТАНИ!

Ихтиро - иқтидорлар ватани Мовароуннаҳр деганимизнинг исботи шундаки, коинотга интилиш, фазогир ғилофи (скафандр) VI асрда ихтиро қилинган. Водопровод, яъни сувни юритиш қурилмаси Италияда эмас, нақ Бўка тумани маркази тепалигида Улуғбек кашфиёти асосида бунёд этилиб, тепаликда фаввора отилган. Жамбил, райҳон, анвойи гуллар, мевали дарахтлар экилган фаввора атрофига. Темир излар илк бор Бельгияда эмас Қўқон йўлида ётқизилган, ер ости (тоннели) қазилаётганда дўнгалаклар, темир излар топилган. Дунёда энг катта чўян қозонлар Мовароуннаҳрда ясалган-ку. Ойнаи жаҳон 1926 йили Шайхонтоҳур мадрасаси талабаси ихтиросида кашф қилиниб, икки уста иштирокида бунёд этилган, уни ўзбек ўғлони яратиб, кўчадаги Қўқон араваси ва мўйловли миршабни уй ичидаги ойнаи жаҳон орқали кўришган. Шатранж ўйинини ҳинду диёридаги ўзбек фарзанди ихтиро этган экан. Сўнгги дамларда эса минг йил илгари шахмат доналари билан бешикнинг сумагини шишадан тайёрлангани жаҳон аҳли олимларини ҳайратда қолдирди.

Мени ушбу сўзларни тўлқинланиб ёзишга ундаган нарса юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган маърузалари бўлди. Ушбу маърузада шундай сатрлар бор: «Муҳтарам уламоларимиз айниқса ҳозирги босқичда ҳар бир йигит-қизимизни илм-маърифатли, диёнатли, юксак ахлоқли бўлишлари билан бирга, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришга даъват қилишлари лозим. Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда Коинот сиру асрорларигача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран ўрганишлари зарур». Бу сўзлар ҳаётда ўзининг амалий аксини топишига ишонаман. Чунки биз оламга довруғ солган алломалар авлодларимиз. Шунинг учун ёшларимиз ҳар бир сабоқни ҳушёрлик билан ўзлаштириб ўз устида ишлаб изланиб яшасалар кўзланган мақсадга эришишилади. Уларнинг меҳнати зое кетмайди. Ватан бундай ёшларни муносиб тақдирлайди.

Анвар АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ АМАЛ ҚИЛМОҚДА




## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ПОЙТАХТИ

*6-модда. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри.*

Энг қадимги даврларда оддий бир манзилгоҳ сифатида ташкил топган ва 2000 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент ҳозирги вақтда жаҳондаги энг йирик шаҳарлардан бири, Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир.

Узоқ ўтмишга назар ташлар эканмиз, Тошкентнинг тарихда турлича номлар билан аталганлигининг гувоҳи бўламиз. Бизгача етиб келган ёзма манбаларда Тошкентнинг энг қадимги номи Чоч бўлганлиги кўрсатилади. Урта Осиё, жумладан, Чоч ҳам араблар томонидан босиб олинганидан кейин (VIIIасрнинг бошларидан) «Чоч» эндиликда «Шош» деб юритила бошланган. Чунки араб алифбосида «ч» ҳарфи йўқлиги учун унинг ўрнига «ш» ҳарфи ишлатилган. Илк ўрта асрларда у «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Маданият аш-шош», «Бинкат» ва «Таркан» деб номланган. Масалан, X асрда яшаган араб географи Истоҳрийнинг «Китоб алмасолик вал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар тўғрисида китоб»)да Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Чоч ўзининг камон ва ўқ-ёйлари билан машҳур бўлганлиги эслатилади.

Шаҳар Тошкент номи билан даставвал XI асрнинг машҳур алломалари Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарийнинг асарларида тилга олинади. Беруний «Ҳиндистон» асарида Тошкентнинг келиб чиқиши тўғрисида сўз юритиб, «Тош» сўзи асли туркча исм бўлиб, «Шош» кўринишини олган, Тошкенд — тошли қишлоқ демакдир», деб изоҳлайди. Маҳмуд Қошғарийнинг маълумоти бўйича Тошкент шаҳри XI асрнинг охирлари ва XII асрларда «Таркан» деб ҳам юритилган. Машҳур «Бобурнома»да ҳам Тошкент номи тилга олинади.

Шу тариқа, XVI — XVII асрнинг бошларида Тошкент атамаси шуҳрат топиб, унинг қадимги Чоч, Шош ва Бинкат номлари аста-секин муомаладан тушиб қолади.

Тошкент биринчи марта 1924 йилда Ўзбекистон ташкил топгандан кейин унинг пойтахти деб танланган эди. Лекин 1925 йил 3 апрелда пойтахт Самарқандга кўчган. Бироқ 1930 йил 17 августда қабул қилинган махсус қарор билан пойтахт яна Тошкентга кўчирилган.

Жаҳондаги ҳар қандай мустақил давлат сингари Ўзбекистон Республикасининг ҳам пойтахти Асосий Қонунда алоҳида эътироф этилган.

Умуман пойтахт деганда нимани тушунамиз? Пойтахт — бу давлатнинг асосий шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази. Пойтахт одатда давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувининг олий органлари, шунингдек олий суд, ҳарбий ва бошқа марказий муассасалар жойлашган шаҳардир. Кўп ҳолларда пойтахт мамлакатнинг иқтисодий маркази ҳамдир. Лекин баъзи мамлакатларда иқтисодий марказ пойтахт бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳри бўлса, лекин унинг иқтисодий маркази Нью-Йорк шаҳри ҳисобланади. Қоида бўйича, пойтахтга махсус бошқарув режимига эга бўлган алоҳида маъмурий бирлик ажратилади. Масалан, Франция пойтахти Париж ҳам ана шундай шаҳарлардан.

Шундай қилиб, азим ва навқирон Тошкент ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг асосий шаҳри ва маъмурий-сиёсий марказидир. Бу ерда Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳамда илмий, маданий-маърифат муассасаларининг кенг шохобчалари мавжуд.

Тошкент — республиканинг йирик саноат марказларидан бири бўлиб, унда халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларини қамраб олган 200 дан ортиқ корхона ишлаб турибди.

Тошкент — Ўрта Осиёдаги энг йирик транспорт тармоғи бўлиб, унинг аэропорти халқаро аҳамиятга эга.

Тошкентни ҳақли равишда тинчлик, дўстлик ва қардошлик шаҳри деб аташади. Бу ерда ижтимоий тараққиёт, фан, техника, маданият ва санъат масалаларига бағишланган халқаро миқёсдаги анжуманлар мунтазам ўтказилади.

Тошкент дунёдаги кўпгина шаҳарлар — Тунис, Патиала, Карочи, Триполи, Марокаш, Скопье, Сиэтл, Мапуту, Урумчи ва бошқалар билан биродарлашган.

1989 йилда Тошкент халқаро тинчлик йили тадбирларида фаол иштирок этганлиги муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига биноан унга «Тинчлик элчиси» фахрий унвони берилган.

Кейинги вақтларда Тошкентнинг пойтахт сифатида аҳамияти янада ошиб бормоқда. Дунёнинг кўп мамлакатлари билан халқаро муносабатлар ўрнатилмоқда. Пойтахтимизда кўплаб чет эл дипломатик ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Тошкентда икки миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Бу ерда юздан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари истиқомат қилади. Бу ерда турли ноёб ўтмиш обидалари ҳам сақланиб қолган. Юнусхон мақбараси, Қаффол Шоший мақбараси, Кўкалдош мадрасаси, Бароқхон мадрасаси ва бошқалар. Шунингдек, пойтахтимизда кўплаб замонавий бинолар савлат тўкиб турибди. Улар Тошкентнинг ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

---

*Фан уфқлари*

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА ИНТИЛИБ

Узбекистон Фанлар академияси раёсатининг ташаббуси билан 1994 йилда Фанлар академияси тизими ўқув базасида юқори малакали илмий мутахассислар тайёрлаш илмий ўқув маркази барпо қилинганди. Бундан кўзланган мақсад ёш олимларни жаҳон андозаси талабига жавоб берадиган янги дастурлар асосида ўқитишдан иборат эди. Қисқа вақт ичида ижтимоий фанлар, хорижий тилларни ўрганиш, информатика ва ҳисоблаш техникаси мажмуалари ташкил этилиб, замонавий аппаратура ҳамда янги ўқув қуроллари билан жиҳозланди, шунингдек юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассислар жалб этилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг ўзига хос тизимини барпо қилиш, айни вақтда ёш олимларнинг марказлашган ўқув-таълим ишлари сифатини яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида марказнинг профессор ва ўқитувчилари қатор амалий-ташкилий ҳамда ижодий ишларни олиб бордилар. Республикадаги етук файласуфлар ва қатор ижтимоий фанлар вакилларидан иборат илмий-ижодий гуруҳ вакиллари «Фалсафа фанининг услубий муаммолари» номли янги дастур ишлаб чиқишди. Мазкур дастур республика Олий аттестация комиссияси раёсати муҳокамасига тавсия қилинди ва унинг расмий тасдиғидан ўтказилди. Бугунги кунда бу дастурдан республикамизнинг барча олий ўқув юртлари, илмий муассасалари ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида ўқув қўлланма сифатида кенг фойдаланилмоқда. Мазкур дастурга шундай ижодий ёндошилганки, ёш олимлар жаҳон фалсафий мерослари билан бир қаторда мамлакатимизнинг бой фалсафий, маданий мероси ҳамда аниқ фанларнинг методологик муаммоларини ўрганадилар.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўрганиш ҳар бир ёш олим ва изланувчилар учун шарт қилиб қўйилиши ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Фан ютуқларида илмий изланишлардан тобора кенгроқ фойдаланиш бугунги куннинг талабига айланди. Шунинг учун ҳам информатика мажмуи профессор-ўқитувчилари компьютер-ҳисоблаш техникасининг энг илғор ютуқлари билан ёш олимларни таништириб, унда ишлаш қонуниятларини ўргатиб келмоқдалар. Компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда тест тизими устида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек марказ олимлари лотин графикасига асосланган ўзбек тилини ўрганиш борасида техника университети олимлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Шуни айтиш кераккки, чет тилларни жадал суръатда ўрганишнинг дифференциаллашган усуллари кенг қўлланилмоқда. Бунинг учун чет тилида оғзаки сўзлашиш кунлари, ўзаро мулоқот, илмий мунозара, суҳбат юритиш каби усуллардан фойдаланилмоқда. Бу каби самарали, ижодий тарзда, замонавий услубларда ўқитиш учун аввало ўқитувчиларнинг билими ва маҳорати юқори бўлиши керак. Шуни ҳисобга олган ҳолда барча инглиз тили ўқитувчилари Америка Қўшма Штатлари, Англияда таҳсил кўрдилар ва тажриба орттирдилар.

Укув даргоҳида 350 нафардан зиёд ёш бўлғуси олимлар таҳсил кўрмоқда. Улардан 30 нафари хорижий юртлардан келишган. Марказ ўз фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этишда илмий-ўқув услубий кенгаш фаоллари ҳамда Узбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг етук олимлари, академиклар ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Илмий-ўқув услубий ишларга Ё. Х. Тўрақулов, И. С. Искандаров, М. М. Хайруллаев, А. А. Асқаров каби фан арбоблари жалб қилинган. Назарий ва амалий машғулотлар етук олимлар ва мутахассислар томонидан олиб борилаяпти. Илмий ўқув маркази юқори малакали илмий мутахассислар тайёрлаш ишларини жадаллаштириш мақсадида Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон ва Самарқанд вилояти бўлинмаларида ўз шохобчаларини очиш тараддудини кўрмоқда.

Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, гарчи илмий-ўқув марказида малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий ягона тизими барпо қилишга эришилганига қарамай, ҳали унинг амалий фаолиятида ечилмаган муаммолар ҳам бор. Хусусан, аспирант ва изланувчилар етарли равишда зарур бўлган ўқув-услубий ашёлар билан таъминланмаган, ўзбек тилида чоп этилган дарсликлар, ўқув қуролларига бўлган тақчиллик ҳамон сезилиб турибди. Докторант, аспирантлар юқори савияда таҳсил кўришлари учун уларни энг янги, сўнгги техника ютуқлари асосида ишланган компьютер билан таъминлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Айни бир вақтда жиҳозланган замонавий компьютер синфларига муҳтожлик сезилаяпти. Аудио, видео аппаратлар ва кассеталарига бўлган талаб ҳам қондирилгани йўқ.

Дония ЗОКИРОВА.

---

*Фахрийлар кенгашлари фаолиятидан*

## ТЕРАК — ЭЛГА КЕРАК

Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтларни барпо этишга оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори биз фахрийларни ҳам умумхалқ бойлиги бўлган хўжалик теракчилигини барпо этиш сари чорлади. Зеро, ҳар бир куб метр терак ёғочидан 280 килограмм целлюлоза ёки қоғоз, 160 килограмм сунъий шойи ёки 170 килограмм сунъий жун, 2 дона автомобиль шинаси, 180 жуфт калиш, 4000 жуфт шойи пайпоқ, 600 та трикотаж костюм, 90 литр спирт ва бошқа кўпгина маҳсулотлар олиш мумкиндир.

1994 йил февраль ойида Мирзо Улуғбек тумани фахрийлари кенгашиб, катта майдонда теракзор ташкил қилиш ташаббуси билан туман ҳокимлигига мурожаат қилдилар. Бизга фахрийларнинг сўлим оромгоҳи ҳудудидан ер ажратиб берилди. У ерга қарияларимиз енг шимариб ўн минг туп Калифорния терак қаламчасини экдилар. Тўлиқ ундириб олинган теракларнинг бўйи ҳозир уч ярим метргача етди.

Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига бу йил яна икки минг туп терак экишга аҳд қилдим. Ҳозир тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. «Олтинтепа-10» маҳалласи ҳудуди, Қорасув анҳори қирғоғи теракзор қилишга тайёрлаб қўйилди, чархпалак орқали бу ерга сув чиқариляпти.

Фахрийларимиз бундан ташқари ўзлари яшаб турган уй ва маҳалла ёки корхоналари ёнига бештадан терак қаламчаси ва биттадан мевали кўчат экишга қарор қилдилар.

«Яхшидан боғ қолади» деганларидек, ҳаёт машаққатларини елкаларида кўтариб, ёвуз душмандан Ватанни омон сақлаб, фронт ва уруш орқасида матонат кўрсатган фахрийлар ўзларидан боғ-роғ ва ўрмонзорлар қолдириш ниятидалар.

Алпон ЗОИРОВ,
Мирзо Улуғбек туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.

*Спорт*

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ЗАФАР ҚУЧИШДИ



Кейинги пайтларда шарқ яккакурашининг таэквандо тури бўйича ҳамюртларимиз халқаро мусобақаларда эришаётган йирик ғалабаларга кўникиб қолдик. Ҳозир Ўзбекистон каратэ кураши усталарининг маҳоратлари ўсиб бормоқда, десак хато қилмаймиз. Буни куни кеча шаҳримиздаги Ўзбекистон Республикаси Марказий ҳарбий спорт клубида ўтказилган каратэ бўйича «Наврўз-95» Тошкент шаҳар очиқ чемпионати яна бир карра исботлади.

Тошкент шаҳар каратэ федерацияси томонидан ташкил этилган бу мусобақада Ўзбекистон вилоятлари, Қозоғистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон республикалари терма жамоалари аъзолари, умуман 400 га яқин энг кучли спортчилар, жумладан халқаро мусобақаларнинг ғолиблари ва совриндорлари қатнашишди. Беллашувларни эса Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган нуфузли ҳакамлар бошқаришди.

Каратэ Япониядаги энг машҳур спорт турларидан биридир. Мусобақага ташриф буюрган, каратэнинг Ўзбекистонда бақувват илдиз отаётганидан мамнун Япониянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлари бўйича ишончли вакили жаноб Хино Кодзи ҳам қатнашчиларни табриклади.

Энди бевосита чемпионат беллашувлари хусусида тўхталадиган бўлсак, унда ўғил ва қиз болалар ўртасида ва эркаклар ҳамда аёллар ўртасида шаҳар биринчилиги ғолиби, деган шарафли ном олиш учун кескин курашлар бўлиб ўтди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, мусобақада майдон эгалари — тошкентлик яккакураш усталари жуда муваффақиятли қатнашдилар. Жумладан, ўғил болалар баҳсида ўз вазн тоифалари бўйича Каспарянц, Д. Сапиев, О. Қосимов, Каримов, Рўзиев, Ф. Юсупов, Габибуллаев, қиз болалар мусобақасида Ж. Суюнова, С. Собирова, аёллар орасида Н. Зюзько ҳамда эркаклар беллашувларида А.Қаландаров ва Б. Мардоновлар чемпионат ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Каратэнинг ката тури бўйича мусобақаларда ҳам Тўрақулов, Баганов, Гельфанов ва Баришникова каби ҳамюртларимизга омад кулиб боқди.

Умумжамоа ҳисобида эса Тошкент шаҳри командаси биринчи, қозоғистонлик каратэчилар иккинчи, Наманган вилояти спортчилари учинчи ўринларни эгаллашди.

Республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар совриндорлари А. Эгамбердиев, О. Қосимов, А. Пак, А. Саидов каби каратэ усталари энг чиройли ва техник жиҳатдан мукаммал яккакураш санъатини намойиш этганликлари учун махсус совринлар билан тақдирланишди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, «Наврўз-95» Тошкент очиқ чемпионати йирик халқаро мусобақалар олдидан тошкентлик каратэ курашчилари учун навбатдаги муваффақият поғонаси бўлди.

Дилшод ИСРОЙЛОВ.

*СУРАТДА: майдонда энг кучлилар.*

*Виктор Багаев олган сурат.*

*Томорқа хўжалигингизда*

# КЎКАТЛАР ПАРВАРИШИ

*Кўкатлар серҳосиллиги, тезпишар ва иссиқни талаб қилмаслиги билан алоҳида ажралиб туради. Одатда улар экилгандан кейин 30-40 кунда пишиб етилади. Бў ҳол кўкатларни очиқ ерга, февраль ойининг охирларида экиб ёки тўқсонбосди қилиб, ноябрь охири, декабрь бошларида сепиб, эрта кўкламдан (март, апрель ойларида) тортиб, бутун ёз, куз давомида ҳосил олиб туриш имконини беради.*

*Кўкатлар қалин экилиши, илдизлари юза бўлишини ҳисобга олиб, нам, органик моддага бой ерларга жойлаштириш лозим.*

*Шунингдек, кўкатлардан тайёрланадиган дамлама, қайнатма, экстракт ва бошқа кўринишлари турли касалликларга даво бўлиши халқ табобатига қадимдан маълум.*

## КАШНИЧ

Бу ўсимлик унумдор енгил тупроқда яхши ҳосил беради. Суюқ овқатларга ишлатилади. Иштаҳани очиб, овқат ҳазмини яхшилашда восита сифатида ишлатилади. Мевалари оғиздаги қўланса ҳидни олади. Ибн Сино фикрига қараганда, кашнични бош айланиши, уйқусизлик, иситма, милклар қонаганида, камқонлик, қон босими ошганда даво тариқасида ишлатиш тавсия этилади.

Кашнични ноябрь охирида ва февраль ойининг охиридан бошлаб, апрель, июнь, сентябрь ойларида (яъни ҳар икки ойда) сепиш керак. Чунки бир-икки ўришдан кейин ҳосили камаяди. Ўсув даврида бегона ўтдан тозаланиб, ариқ ичларини юмшатиб, озиқлантириб суғориш зарур. Нави маҳаллий, 70 сантиметр ариқ олиб, икки қатор ёки сепма қилиб қўлда сепилади.

## УКРОП

Укроп бир йиллик ўсимлик бўлиб, унинг ёш майсалари овқатта солинади. Гуллаганлари эса тузлаш учун ишлатилади. Халқ табобатида овқат ҳазми бузилганида, нафас йўллари, жигар, буйрак, қовуқ касалликларида, шунингдек, эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтириш учун укроп уруғидан кукун дамлама ва қайнатма ҳолида фойдаланилади.

Уруғи ерга сепилгандан кейин орадан 30-40 кун ўтгач етилади. Хонадонни йил бўйи укроп билан таъминлаш учун икки ой оралатиб, бир неча марта сепиш лозим. Яхшилаб ўтоқ қилиш, вақти-вақти билан суғориб, озиқлантириб туриш талаб этилади.

## ПЕТРУШКА

Петрушка соябонгуллилар оиласига кириб, барги ва илдиз меваси учун етиштирилади. Баргидан олинган сув бадандаги сепкил ва доғларни йўқотишда қўлланилади. Халқ табобатида одамни терлатиб, оғриқларини босишда, энди пайдо бўлиб келаётган ўсмаларни йўқотиб юборишда, нафас равон бўлишида, одам йўталганида ёрдам беради.

Петрушканинг уруғи икки даража иссиқликда уна бошлайди. Сепилгандан сўнг 15-20 кунда униб чиқади. Петрушка совуққа чидамли, унумдор ерларда яхши ҳосил беради. Ўсимлик экиладиган ерларга албатта гўнг солиниши керак. Ўсув даврида бегона ўтлардан тозалаб, вақти-вақти билан суғориб туриш зарур. Петрушканинг барги ёз бўйи 3-4 марта ўрилади.

Оқила РАИМОВА тайёрлаган.



# БОЛАЛИККА САЁҲАТ

Яқинда эрталабдан Мустақиллик майдонини шаҳримиз мактаб ўқувчиларининг қувноқ овозлари тутди. Бу ерда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитасининг ташаббуси билан «Болаликка саёҳат» деб номланган варраклар сайли уюштирилди. Сайилда барча туманлардан 500 дан зиёд болалар қатнашдилар.

Республикамиз бош майдонининг кенг осмони турфа хил варракларга тўлиб кетди. Болалар қувончини-ку қўяверинг, ҳатто бу ерга ташриф буюрган катталар, фарзандларини етаклаб келган ота-оналар ҳам катта қониқиш ва қизиқиш билан варрак учиришга киришиб кетдилар. Улар учун олис болаликнинг эрка хотиралари қайта уйғонди. Болакайлар варракларини фақатгина баланд учиришда эмас, балки уларнинг безалиши, шакли ва ўлчамлари бўйича ҳам мусобақалашдилар. Майдон узра республикамиз байроғи, тупроғи, қуёш, пахта, капалак, дўппи суратлари чизилган, «Наврўз», «Мустақиллик» сўзлари битилган катта-кичик варраклар парвоз қилди. Оддий газета қоғозидан ясалса-да, баланд ва узоқ вақт учган варраклар ҳам ҳакамлар эътиборидан четда қолмади. Шунга кўра, Чилонзор туманидаги 114-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мақсуд Қодиров ва Миробод тумани 213-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Жаҳонгир Мадраҳимовлар ясаган «Оқшом» варраклари энг яхшилардан деб топилди. Акмал Икромов туманидан дадаси билан келган, 5 ёшли кичкинтой Музаффарбек ҳам кичкинагина варракни кўтариб юрганини кўриб жуда қувондик. Негаки, баҳорни эслатувчи бу чиройли миллий ўйинимиз энди унутилмайди! Эски шаҳардан келган ўқувчилар бу ўйиннинг анча ҳадисини олганликлари маълум бўлди, шунинг учун улардан бири — Шайхонтоҳур туманидаги 95-мактаб ўқувчиси Абдувоҳид Халилов 1-ўринни олди. Чилонзор туманидаги 179-мактаб ўқувчиси Акмал Пўлатов иккинчи, Ҳамза тумани ёш техниклар уйи қатнашчиси Максим Герасимов эса учинчи ўринга муносиб бўлдилар. Юнусобод тумани ёш техниклар уйи қатнашчилари ясаган ғаройиб шаклли варрак учун, шунингдек яна 9 нафар ўқувчиларга махсус совғалар топширилди. Ушбу тадбир ҳомийлари — «Оникс» ҳиссадорлик жамияти, «Индиана» фирмаси, «Камалак» нашриёти ва «Семурғ» ҳиссадорлик жамиятлари томонидан тайёрланган совғалар улашилди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

СУРАТЛАРДА: учавер варрагим!



*Аср хасталиги*

# КАНАДАЛИКЛАР ШИФО ТОПИШМОҚДА

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти жаҳоннинг 21 мамлакатида юрак-қон томир хасталиклари билан оғриётган одамлар сони ва бу дардга чалиниш сабабларини аниқлаш масаласида ўтказган ўз тадқиқотлари натижаларини нашр этди. Бу хасталиклар кенг тарқалган 10 та давлат қаторида Канада биринчи ўринда туриши маълум бўлди. Тадқиқот муаллифларининг хулосаларига кўра юрак дардлари асосан кишининг турмуш тарзи ва овқат таркибига боғлиқ экан. Ҳақиқатан ҳам канадаликлар ёғли овқат тановул қилишни ёқтиришади, шунингдек, кўп вақтларини телевизор қаршисида ўтказишади.

Аммо сўнгги пайтларда бу мамлакатда аҳвол бирмунча ижобий томонга силжигани маълум бўлди. Канадаликлар диетага қатъий амал қила бошлашди, қолаверса, кашандаликка қарши оммавий кураш ҳам кутилган натижаларни бермоқда. Испания, Италия ва Жанубий Франция аҳолиси эса аср хасталигига чалинишда энг кичик кўрсаткичга эга эканликлари ҳам қайд этилди. Мутахассислар бу ҳолни «ўрта ер денгизи диетаси», яъни зайтун ёғи, балиқ, мева ва сабзавотларни кўп истеъмол қилиниши шарофати дея изоҳлашмоқда.

Мажид РАҲИМОВ.

*Ажойиботлар қомуси*

# МАКР ВА МУҲАББАТ ҚАСРИ

Шимолий Кавказда машҳур курорт шаҳарлар кўп, масалан, Кисловодскдаги «Макр ва муҳаббат қасри» ҳақида шундай афсона бор. Золим князнинг тошбағир қизи билан чўпон йигит севишиб қолишади. Бироқ шаҳзодага учган малика ваъдасини бузади. Чўпон йигит ўзини қоядан ташлаб, ҳалок бўлади.

Шунда ҳукмронлардан тўйган халқ ғазабга келиб, князнинг қасрини вайрон қилади. Чиндан ҳам у ердаги чўққининг бир чеккаси вайрона қасрни эслатади. Худди қадимий қасрга ўхшатиб махсус иншоот барпо этилган. Ҳатто кунгурадор миноралари ҳам бор.

Бошқа курорт шаҳарлардан бири Пятигорскда бир йилдаги қуёшли кунлар сони 170 та бўлса, Кисловодскда 300 тага етаркан. Биргина Ессентукидаги санаторийлар сони 30 дан зиёд. Железноводск шаҳрида эса ёзги чорбоғ бор.

Тўғри, бир уста йиқилиб тушганидан кейин амир бу ердан воз кечган. Лекин кейинчалик қурилиш давом эттирилиб, Тельман номли санаторий жойлашади.

# СОҲИБҚИРОН ҲАМ ҚАДРЛАГАН

Бир вақтлар ота-боболаримиз циркни «от ўйин» деб атардилар. Дорбозлик томошаси ҳам ана шу санъатнинг бир бўлагидир. У ўзбек халқида қадимдан машҳур.

Аслида дорбозлик санъатининг ватани Хитой бўлган. Дарҳақиқат, Хитойнинг кўпгина вилоятларидан топилган, тошга ўйиб солинган суратлар Хань салтанати даврида, яъни эрамиздан олдинги 220-206 йилларда ҳам бу ерда дорбозлик санъати мавжуд бўлганидан далолат беради. Кейинчалик бу санъат Хитойдан бутун дунёга тарқала бошлади.

Манбаларда Самарқанднинг тўй-сайилларида ижро этилган дор ўйинлари қизиқарли қилиб тасвирланган. Дорбоз йигитлар баланд дор устида ажойиб томошалар кўрсатишар, одамлар уларни кўргани узоқлардан келишаркан.

Испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ўз саёҳатномасида амир Темур ҳузурида бўлган базмларда дорбозлар ўйинини кўрганини ёзиб қолдирган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлаган.

*«02» хабар беради*

# ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

● 12 март куни тунги соат 3 дан 10 дақиқа ўтганида Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Тошкент трактор заводи 2-даҳасида 1973 йилда туғилган фуқарога номаълум киши пичоқ ургани ҳақида хабар қилишди. Туман ички ишлар бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу жиноятни амалга оширган Қорасув даҳасида истиқомат қилувчи ҳеч қаерда ишламай юрган 1959 йилда туғилган фуқаро қўлга олинди.

● Яна шу куни соат 23 ларда Юнусобод даҳасида номаълум киши 1977 йилда туғилган Евгений Н.ни қўрқитиш йўли билан унинг ёнидаги 800 сўм пулини ва 150 АҚШ долларини, устидаги камзулини ечиб олганлиги ҳақида хабар беришди. Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси ходимларининг ўз вақтида амалга оширган чора-тадбирлари натижасида талончилар қўлга олинди. Улар томонидан олинган пул ва камзул эгасига қайтариб берилди. Дастлабки тергов материалларига қараганда уларнинг бири В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси пайвандчиси, иккинчиси эса ҳеч қаерда ишламай юрган кимса бўлиб чиқди.

● 13 март куни ярим тунда Мирзо Улуғбек туманида жойлашган ҳайвонот боғидаги мушуксимон ҳайвонлар сақланадиган хонадан ёритгичларни ўғирлаб кетишганлиги ҳақида ички ишлар бошқармасига хабар қилишди. Туман жиноят-қидирув хизмати ходимларининг изланишлари натижасида ўғри ашёвий далил бўлган ёритгичлар билан қўлга олинди.

● 14 март куни соат 10 дан 30 дақиқа ўтганида Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Феруза-2» даҳасидаги уйларнинг бирига ташриф буюрган чақирилмаган меҳмонлар хонадон соҳибини куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб уйдаги видеомагнитофон, ва аудиомагнитофонни олиб кетганлар. Бундан хабар топган ички ишлар бошқармаси ходимлари жиноят излари ҳали совимай туриб муқаддам судланган, 1974 йилда туғилган Р. исмли талончи ва унинг ҳамтовоғи 494-болалар боғчаси тарбиячисини ашёвий далил билан қўлга олдилар.

● Шу куни Собир Раҳимов туманида жойлашган Чувалачи кўчасида истиқомат қилувчи фуқародан «Наган» русумидаги жанговар тўппонча олинди. Тўппонча соҳиби — 98-мактаб интернат дурадгори устидан дастлабки тергов ишлари олиб борилмоқда.

● 15 март куни соат 16 дан 20 дақиқа ўтганида экскаватор заводи олдидаги Содиқов кўчасида номаълум кимса шу кўча бўйлаб қатновчи 21-йўналишдаги троллейбус ҳайдовчисини қўрқитиш йўли билан кунлик 500 сўм тушумни олиб кетганлиги ҳақида ички ишлар бўлимига хабар қилдилар. Туман ички ишлар бўлими жиноят-қидирув хизмати ходимларининг изланишлари натижасида шу куниёқ ҳеч қаерда ишламай юрган Тансиқбоев даҳасида истиқомат қилувчи талончи ушланди.

● Шу куни «Труд» кичик корхонаси механигидан видеоаппаратура олиб бериш шарти билан товламачилик қилиб 6 минг 528 АҚШ долларини олган шаҳардаги 34-мактаб ўқитувчиси Э. қўлга олинди.

● 16 март куни соат 10 да Республика Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан «Тошкент тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасидан 35 метр газламани олиб чиқиб кетаётган шу корхона пардозлаш цехининг чилангари қўлга олинди. Қиймати 385 сўмлик газлама комбинатга қайтарилди. Мазкур бирлашма оператори ҳам шу куни жами 636 минг 50 сўм турувчи газламаларни олиб чиқиб кетмоқчи бўлганида ушланди.

● «Чорсу» деҳқон бозорида фуқаро П.ни алдаш йўли билан 62 минг сўм пулини товламачилик қилиб олиб қўйган ҳеч қаерда ишламай юрган 1952 йилда туғилган Л. О. қўлга олинди.

● 17 март куни ўз тақдирини билиш мақсадида Тошкент шаҳар қурувчилар касалхонаси шифокори дайди лўлига фол очирмоқчи бўлиб 4 та тилла асбобларидан айрилганини ўзи ҳам билмай қолди. Товламачи лўлилар қидирилмоқда.

● Шу куни шаҳар милиция ходимлари томонидан В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қўриқловчисидан арзон нархда шакар топиб бераман деб пулини олган товламачи қўлга олинди.

● 18 март куни соат 21 дан 30 дақиқа ўтганида Юнусобод даҳаси, 15-мавзеда жойлашган уйларнинг бирига бостириб кирган нотаниш меҳмонлар хонадон соҳибасига тўппонча ўқталиб уйдаги 2 та видеомагнитофон, 5 та ҳар хил тилла буюмлар, 10 АҚШ доллари ва 30 минг сўм пулни олиб кетдилар. Туман ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли шу туманда истиқомат қилувчи ҳеч қаерда ишламайдиган босқинчи ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Унинг шеригини ушлаш чоралари кўрилди.

● Шу куни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан шаҳар миқёсида махсус тадбир ўтказилиб, майда безорилик қилган 67 та киши ушланди, ов милтиқларини қоидага хилоф равишда сақлаган 8 фуқародан милтиқлар олиб қўйилди. Жамоат жойларида маст ҳолда юрган 97 фуқарога нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

● Бектемир туманида жойлашган бозорда савдо қилиб турган аёлнинг сумкасидан 355 минг Россия рубли ва 15 минг сўм ўғирлаб кетган ҳеч қаерда ишламай юрган Х. туман жиноят-қидирув бўлинмаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Гумондор устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати.**


# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
14 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 ДА

## «БАҲОР МАНГУ ҚОЛАР»

ДЕБ НОМЛАНГАН
Ёш хонандалар

Ровшанбек МАТЁҚУБОВ, Фарҳод ДАВЛАТОВ, Азамат ОТАЖОНОВ,
Отабек СОБИРОВ, Искандер ХЎЖАЕВ;
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
РАҲМАТЖОН ҚУРБОНОВ
иштирокида
К. Отаниёзов номидаги «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг

## КОНЦЕРТИ

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.
Телефонлар: 33-73-10, 33-37-69.

«Ўзбек давлат цирки»
республика бирлашмасининг

## ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



(Ҳадра майдонида)
ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ
(2 бўлимда)
ДАСТУРДА: акробатлар, гимнастикачилар, жонглёрлар, эквилибристлар, ҳаво гимнастикачилари, ҳинд йоги ва ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишлари.
МАСХАРАБОЗЛАР ГУРУҲИ ДОИМО ХИЗМАТИНГИЗДА
ТОМОШАЛАР
7, 14, 21, 28 апрель ва 5 майда соат 18.00 да;
8, 9, 15, 22, 23, 29, 30 апрель, 6, 7, 9 май соат 12 ва 15.00 да;
1, 2 май соат 15.00 да
БОШЛАНАДИ
Олдиндан чипта сотиш ташкил қилинган.
Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.
Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.
Маълумот учун телефон — 44-35-91.

## ҚУТЛОВ!

**АЗИЗ ВА ҚАДРДОН АКАМИЗ ЗАБИҲИЛЛО ХАМИДОВ!**

Сизни муборак таваллуд кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Бизга отадек сахий қалбингиз, ширин сўзингиз, меҳр-муҳаббатингиз билан берган тарбиянгиздан бир умр миннатдормиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг. Оилангиз тинч, омад ёр, бахтингиз доимо баркамол бўлишини тилаймиз.

**Опа-сингилларингиз ва укаларингиз.**

«АМБЕР ЭНТЕРПРАЙЗЕС» ФИРМАСИ
Сизни 4 апрелдан 14 апрелгача
КЕНГ КЎЛАМДАГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ
САВДО-КЎРГАЗМАСИГА

## ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзилгоҳимиз: Пушкин кўчаси, 17- уй.
КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!

## «СУВСОЗ» ТРЕСТИ

сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларини бажариш ва 1995 йил ёз мавсумига тайёрлаш муносабати билан истеъмолчиларга қуйидагиларни
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
10 апрель соат 9.00 дан 11 апрель соат 21.00 гача.
МИРЗО УЛУҒБЕК тумани: Феруза ва Ялангоч мавзеларида — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.
11 апрель соат 9.00 дан 13 апрель соат 9.00 гача
ЯККАСАРОЙ тумани: Бобур мавзесида — СУВ БЎЛМАЙДИ.
12 апрель соат 9.00 дан 13 апрель соат 9.00 гача
ШАЙХОНТОҲУР тумани: «Наврўз» ва «Исломобод» маҳаллаларида — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.
12 апрель соат 9.00 дан 13 апрель соат 21.00 гача
Акмал Икромов тумани: «Оқтепа», «Шарқ гули», «Иқтисод», А. Қодирий маҳаллаларида ва 12, 13, 14, 15, 21, 22 мавзеларида — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.
А. ИКРОМОВ тумани: О. Собиров маҳалласида, А. Тожиев кўчасида ва унинг тор кўчаларида, И. Ибрагимов, А. Жалилов, Ҳужум, Собир Юсупов кўчаларида ва унга туташ кўчаларда — СУВ БЎЛМАЙДИ.
13 апрель соат 9.00 дан 14 апрель соат 9.00 гача
ЧИЛОНЗОР тумани: «Мевазор», «Дўмбробод» маҳаллаларида, «Наққошлик» кўчаси ва унга туташ кўчаларда — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.
СУВ БЎЛМАЙДИГАН ЖОЙЛАРГА МАХСУС СУВ ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР ЮБОРИЛАДИ.
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

«Ўзбек давлат цирки»
Республика бирлашмаси
БАЛЕТ ГУРУҲИГА

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВДА хореографик тайёргарликка эга бўлган, бўйи 165 см.дан паст бўлмаган, 16 дан 22 ёшгача бўлган қизлар қатнашишлари мумкин (келажакда хорижга чиқиш имконияти бор).

Аризалар 3-10 АПРЕЛЬ кунлари «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси қабулхонасидаги котибага соат 10 дан 12.00 гача топширилсин.

ТАНЛОВ 11 АПРЕЛЬ СОАТ 14.00 ДАН ЦИРК БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ҳамза тумани улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот таъминоти 4-дўкон мудирининг йўқолган
ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


Мирзо Улуғбек тумани «Дархон» савдо-ишлаб чиқариш акционерлик жамияти жамоаси 1-база омбори мудири Э. Юсуповга онаси

Муҳтарама ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г—0150

Босмага бериш вақти 11.30.

1 2 3 4 5 6.